



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ҲАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 14 сентябр пайшанба  
Сотувда эркин нархда № 179-180 (2476-2477)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов 13 сентябр куни Оқсарой қароргоҳида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурани қабул қилди.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик кўлами жуда кенг. 14 сентябр куни Тошкентда бошланган "Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида" мавзудаги динлараро мулоқот халқаро анжумани ҳам мазкур ташкилот томонидан ташкил этилган. Бу тадбирни ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг яна бир самараси, дейиш мумкин.

Яқинда ушбу нуфузли ташкилот раҳбарлигига сайланган К.Мацууранинг бу — Ўзбекистонга илқ ташири. Исло Каримов у билан кўришиб турганидан мамнунлигини изхор этар экан, Ўзбекистон ҳукумати ва халқи номидан шундай масъулиятли ва шарофли лавозимга сайлангани билан қутлади.

— Сиз ЮНЕСКОнинг раҳбари бўлиш билан бирга, айна пайтда нафақат Япония, балки бугун Шарқ мамлакатларининг мазкур халқаро ташкилотдаги вакилисиз, — деди Президент. — Биз бундан фахр туямиз. Ташкилотнингизнинг Ўзбекистондаги ўқазилгани халқаро анжуманида шахсан қатнашингизини ҳам юқори баҳолаймиз.

К.Мацуура самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон раҳбариятининг ажодлар мероси ва маданий қадриятларини асраб-авайлаш, ўрганиш ва жаҳонга тантиш борасидаги саяёҳаракатларига юқори баҳо бериб, Исло Каримовга ЮНЕСКОнинг маданий мероси асраш бўйича махсус медалини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOB OLIYLARIGA**  
Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикасининг Муσταқиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Вьетнам халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига гоёт самимий қутловлар йўллаймиз.

Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз халқларининг манфаатларини кўлаб минтақда ва бутун дунёда тинчлик, ҳамкорлик ҳамда тараққиёт йўлида муваффақиятли муносабатларни, ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Президент Жаноблари, Сизга муσταҳкам соғлиқ ва юксак мартабали лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Чан Дик ЛИОНГ,  
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOB OLIYLARIGA**  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг гоёт самимий қутловларини изхор этишни истардим.

Тарья ХАЛОУНЕН,  
Финляндия Республикаси Президенти.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOB OLIYLARIGA**  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Швейцария Федерал Кенгаши ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларини изхор этишни истардим.

Адольф ОГИ,  
Швейцария Конфедерацияси Президенти.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOB OLIYLARIGA**  
Дўст мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сизга шаҳсан ўз номидан ва Ливия Араб Халқ Социалистик Жамоҳирияти халқи номидан гоёт самимий қутловлар ҳамда шаҳсан Сизга муσταҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса бундан буюн ҳам тараққиёт тилаб билдирган энг эзгу истақларини йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Полковник Муаммар ҚАДДОФИЙ,  
Ливия Араб Халқ Социалистик Жамоҳирияти Раҳбари.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOB OLIYLARIGA**  
Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий табрикларини ва энг эзгу истақларини йўллашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийлари муσταҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Яхъе ЖАММЕХ,  
Гамбия Республикаси Президенти.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOB OLIYLARIGA**  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Кипр Республикаси халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийлариго гоёт самимий қутловлар йўллаймиз.

Сиз, Жаноби Олийлариго муσταҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса бундан буюн ҳам тараққиёт ва раванқ тилаймиз.

Келгуси йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланишига ишонаман.

Глафкос КЛЕРИДИС,  
Кипр Республикаси Президенти.  
(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Туркменистон Президенти С.Ниязов тақлифига биноан шу йил 21-22 сентябр кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор давлатлараро ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА).

**Нью Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг «Минг-йиллик саммити» натижалари халқаро ҳамжамиятни бугунги кунда ҳам ҳаяжонга солмоқда. Ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг юқори минбаридан туриб ҳукуматимиз раҳбари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий ҳамда муваққат вакиллари таркибини кенгайтиришнинг макссадга мувофиқлиги тўғрисидаги тақлиф киритди. Бу борадаги илк қодам сифатида Германия ва Японияни Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоллиги таркибига қиритиш тақлиф қилинди.**

Биз Германия Федератив Республикасининг ўзбекистондаги муваққат раҳбарини, доктор Андреас ПРОТМАННдан Президентимизнинг халқаро ташаббуслари тўғрисидаги ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Жаноб Исло Каримов Нью Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг «Минг-йиллик саммити»да нихоятда долзарб мавзуда нутқ сўзлади. У ўз нутқида ўта муҳим ташаббусларни илгари сурди. Булар орасида сўз БМТ Хавфсизлик Кенгаши кенгайтириш тўғрисида борди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти ушбу энг машур халқаро ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоллиги сафига Германия ва Япония номзодларини қиритишни тақлиф қилди.

Биз мамлакатингиз раҳбарининг ушбу тақлифларини олқийлаймиз ва буни икки давлат ўртасидаги тобора муσταҳкамланаётган ҳамкорликнинг яна бир белгиси, деб биламиз.

**Фойдалани ТАРБИР**

Эллиққалъа туманида суудан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирда Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан соҳа мутахассислари, фермер хўжалиқлари уюшмалари раҳбарлари ҳамда Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки вакиллари қатнашди.

Анжуманда суудан фойдаланувчилар уюшмаларининг АҚШ, Фарбий Европа ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳозирги ҳолати, мавжуд тажрибалар, суудан самарали фойдаланишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Оролбўйи худудининг экологик мураккаб шартоитида суғориш ва мелiorация шохобчаларини такомиллаштириш учун Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки инвестицияларини жалб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Суудан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган шундай тадбир Хоразм вилоятида ҳам ўтказилди.

А.ИСКАНДАРОВ,  
ЎЗА мухбири.

**Террорчилар батамом йўқ қилинди**

ришича, 2000 йилнинг 11 сентябрда эрталаб тахминан соат 8.30 да Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг Чотқол туманидаги Октош кўрғонини ёнида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Ички ишлар вазирликлари ва чегара

## Мўлжалдаги ҳосил етиштирилди

Баҳорги сув танқислиги, саратондаги гармсел Бухоро вилояти деҳқонлари иродасини бука олмади. Табиат қийинчиликларини фидокорона меҳнат, омилкорлик ва ишбилармонлик билан бартаф этган пахтакорлар, дастлабки ҳисобкитобларга қараганда, мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга қўзғатилди. Айниқса, Олот, Бухоро, Қоғон, Қоровулбозор, Вобекент, Жондор туманлари миришкорлари баракали меҳнат қилишди. Ушбу туманларнинг далаларида ҳозирдак 85-90 фоиз гўза чаноклари қийос очилди. Шу боис, ўзинчи сентябрдаёқ ёппасига пахта теримига киришилди.

Республика қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи икки кун давомида вилоят пахтазорларида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилди. Хўжалиқ раҳбарлари, пудратчилар ва оилавий звенолар бошлиқлари, мутахассислар билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар чоғида йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишларини пухта ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида гап борди.

Яқиний йиғилиш вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу йиғилишда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди. Унда ҳосили машинада териладиган май-донлардаги гўза бағрини тўктиришни жадаллаштириш, терим машиналари ва бошқа техника воситаларини тўлиқ шай ҳолга келтириш, далада ишловчиларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириши кенг йўлга қўйиш, шунингдек, қузи бошоқди дон экинлари экинши қисқа муддатларда ўтказиш масалалари муҳокама этилди ҳамда бу борада мутасади раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов сўзга чиқди.

Илҳом САФАР,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ўз муσταқиллигига эришганидан кейин ва ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилган, бизнинг ҳукуматларо алоқаларимиз муттасил ўсиб бормоқда. Биз барча — сиёсий, иқтисодий даражада муваффақиятли тақдим этилди.

ГФР, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг турли лойиҳалари, хусусан, Орол минтақаси муаммоси бўйича амалга оширилган ишларини қўллаб-қувватлайди. Мисол учун: техник ҳамкорлик бўйича жамият доирасида Орол денгизи тубини ўрганишга қаратилган дастур амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа Германия томонидан молиявий таяминланмоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда талабарлар алмашиш бўйича ҳам яқин алоқалар ўрнатилган. Бу йил «Умид» жамғармаси грант соҳибдорини Германия университетларида қўришдан мамнун бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашгани ва кенгайётганлигини далолат беради.

Сергей ҚУРБОНОВ,  
Файрат ШУКУРОВ,  
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири.

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Ҳамкорлик муносабати қилинди. Шунингдек, Оролбўйи худудининг экологик мураккаб шартоитида суғориш ва мелiorация шохобчаларини такомиллаштириш учун Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки инвестицияларини жалб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Суудан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган шундай тадбир Хоразм вилоятида ҳам ўтказилди.

А.ИСКАНДАРОВ,  
ЎЗА мухбири.

Туманимизда яхшигина обрўга эга бўлган танишининг ўғли Санжар қандайдир диний оқимларга аралашиб қолганини, бундан изза торган отанинг энг кўпчилигимай юрганлигидан кўпчилигимиз хижолатда эдик. Бунга ҳаммамиз айбдордек сезардик, ўзимизни. Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, аслида ҳам шундай. Биз ён-атрофда бўлаётган воқеаларга, қизилувчан, тез бериладиган ёшларнинг турмушига ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Бу нотўғри.

Ортбошимизнинг адашган ёшларини ўз қилмишларига иқдор бўлиб, пушаймонликларини билдирсалар, уларни кечириб қозимлик ҳақидаги сўзлардан сўнг, Санжар тўғри йўлни танади. Адашганини қалбдан, англаб, қатта ҳаётга қайти. Ҳаммамиз эн-

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Жалолоддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жалолоддин Мангуберди ордени таъсис этилсин.
2. Жалолоддин Мангуберди ордени тўғрисидаги низоом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. Жалолоддин Мангуберди орденининг таъсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил

22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5 - 6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда) «Амир Темур ордени» деган сўзлардан сўнг, «Жалолоддин Мангуберди ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**

### Жалолоддин Мангуберди ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. Жалолоддин Мангуберди ордени билан мамлакат муσταқиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғида асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини муσταҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар.
2. Жалолоддин Мангуберди ордени Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.
3. Жалолоддин Мангуберди ордени билан мукофотлашга доир тақдимнома мудофаа ва ҳуқуқи муҳофаза қилиш муассасалари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади.
4. Жалолоддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.
5. Жалолоддин Мангуберди ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорда бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.
6. Жалолоддин Мангуберди ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотлангани оиласига топширилади.

### Жалолоддин Мангуберди орденининг ТАВСИФИ

Жалолоддин Мангуберди ордени 925 пробали қумушдан тайёрланади, қиррадор қумушранг нурлар таралган бешбурчак шаклга эга. Бешбурчак жо бўлган доиранинг диаметри 55 миллиметр.

Орденнинг марказида, оқ айлана билан хошияланган доирада, таралаётган нурлар фониде Жалолоддин Мангубердининг қабарик зарҳал тасвири жойлашган. Сиймо ортидаги фон ҳаворанг-мовий эмаль билан қопланган.

Айлананинг юқори қисмида доира бўйлаб «JALOLIDDIN MANGUBERDI» деган ёзув жойлашган. Айлананинг сирт диаметри 35 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида яшил эмаль қопланган иккита дафна новдаси симметрик тарзда жойлашган бўлиб, барглари орасига фианит кристаллар ўрнатилган.

Айлана узра, марказ бўйлаб ўлчамли бўйча диаметри 8 миллиметрли доирага жо бўладиган тилларанг мусамман жойлашган.

Орденнинг орқа томони ботиқ. Ўртасида бурама қадағичи бор. Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталикида ботиқ шрифти билан ёзилган.

### Бағрикенглик

**ЎЗ УЙИНГА НИМА ЕТСИН!**

Туманимизда яхшигина обрўга эга бўлган танишининг ўғли Санжар қандайдир диний оқимларга аралашиб қолганини, бундан изза торган отанинг энг кўпчилигимай юрганлигидан кўпчилигимиз хижолатда эдик. Бунга ҳаммамиз айбдордек сезардик, ўзимизни. Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, аслида ҳам шундай. Биз ён-атрофда бўлаётган воқеаларга, қизилувчан, тез бериладиган ёшларнинг турмушига ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Бу нотўғри.

Ортбошимизнинг адашган ёшларини ўз қилмишларига иқдор бўлиб, пушаймонликларини билдирсалар, уларни кечириб қозимлик ҳақидаги сўзлардан сўнг, Санжар тўғри йўлни танади. Адашганини қалбдан, англаб, қатта ҳаётга қайти. Ҳаммамиз эн-

Анвар ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Фориш тумани,  
«Бондон» ижора ширкатлар бирлашмаси.



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ**

**“Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳукумат қарорларини “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш, вазирлар қўрама идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 31 август.

**Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ**

**ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЎҒРИСИДА**

«Жалқ сўзи» — «Народное слово» газеталари 2000 йил



Бўқлаш чизиғи

Киркиш чизиғи

**алоқаси хизматлари кўрсатиш**  
Фавқуллоҳда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнгинлар, эпидемиялар ва бошқаларда) почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**27-модда. Почта объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш**

Почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф қилиш уларнинг мулкдорлари (эгалари) томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этишда операторларга қўмақ-шароит беради.

Почта алоқаси объектларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар оқибатларида оператор ёки провайдерларга etkazилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

**28-модда. Миллий оператор хизматчилисининг формали кийими ва кўкрак нишонини**

Миллий оператор хизматчилисини ўз хизмат вази-фаларини бажариши учун формали кийим ва кўкрак нишонини билан таъминланади.

Формали кийим ва кўкрак нишонини тасдиқлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

**29-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишдаги имтиёзлар**

Қонун ҳужжатларида фойдаланувчиларнинг ай-

**миллий оператор** — почта алоқаси миллий оператори, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига уни-версал хизматларни мажбурий равишда кўрса-тиш вазифаси юклатилган оператор;

**номли буюм** — ҳужжатлар ва почта жўнатмалари-га почта алоқаси объектнинг номи, почта жўнатмаси қабул қилинган ва etkazилган сана ҳамда бошқа маълумотлардан иборат тамга ту-ширувчи қуролма;

**оператор** — почта алоқаси оператори, яъни мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва почта алоқаси хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**почта алоқаси объектлари** — почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек почта конвертлари, варақчалари ва идишлари;

**почта алоқаси объектлари** — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари, яъни почтамтлар, почта алоқаси узеллари, бўлимлари ва пунктлари, шунингдек темир йўл станциялари ва аэропортлар қошидаги почта алмасиш пункт-лари;

**почта алоқаси тармоғи** — почта алоқаси объектлари ва почта йўналишлари мажмуи;

ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус фарқлаш белгиларига эга бўлиши мумкин.

Оператор ва провайдерларнинг почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари уларнинг розилигисиз бошқа ишларни бажариш учун фойдаланилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ҳамда юкларни мунтазам ташувчи темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг ҳўжалик юр-тувчи субъектлари оператор ва провайдерлар билан почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш юзасидан шартномалар тузишни рад этишга ҳақли эмаслар.

Оператор ва провайдерларнинг почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланадиган транспорт воситалари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктларининг барча кўчалари бўйлаб, автомобиль йўла-рида ҳеч қандай чекланмасиз юриш ҳамда авто-мобил, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган почта алоқаси объектлари-га, юк (багаж) мажмуаларига кириш ҳуқуқига эга.

**22-модда. Почта жўнатмалари ва пул маб-лағлари бутлигини таъминлаш**

Оператор ва провайдерлар почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлайди-лар.

Операторлар билан провайдерлар ўртасидаги почта жўнатмалари ва пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш почта қоидаларида белги-ланган тартибда, берилмаган ва қабул қилина-диган почта жўнатмалари ҳамда пул маблағлари-

тилади) томонидан амалга оширилади.

**8-модда. Махсус ваколатли орган**  
Махсус ваколатли орган:

почта алоқасини ривожлантириш миллий дав-турларини амалга оширади;  
умумий фойдаланишдаги почта алоқаси хиз-матларини кўрсатиш қоидаларини (бундан бўён — почта қоидалари деб юритилади) тасдиқлайди;  
универсал хизматлар тарифини тартибга со-лади;

почта алоқасининг техник воситаларини белги-ланган талабларга мувофиқлигига доир серти-фикатлаштириш ишларини ташкил этади;  
давлат почта тўлов белгиларининг намуналар-ини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, муома-лага киритиш ва муомаладан чиқариш тартиби-ни белгилайди;

операторлар ва провайдерлар учун мажбурий бўлган почта индексларини, ёзма хат-хабарлар-нинг олиб кетиш даврийлиги нормативларини, шунингдек почта жўнатмалари ўтишининг назор-ат муҳлатларини тасдиқлайди;

почта алоқаси тармоқлари ва хизматларини ри-вожлантириш, шунингдек почта ва ахборот хавф-сизлигини таъминлаш масалалари бўйича опе-ратор ва провайдерларнинг фаолиятини мувофиқ-лаштириб туради;

кўрсатилмаган хизматлар сифатини назорат қилади, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қону-ний манфаатларини ҳимоя қилади, операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини қараб чиқади; кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини

имкони бўлмай қолса, улар оператор ёки про-вайдер томонидан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинади.

Тарқатилмай қолган почта жўнатмалари ва та-лаб қилиб олинмаган пул маблағлари билан иш-лаш тартиби почта қоидалари билан белгилана-ди.

**24-модда. Топширилмай қолган почта жўнатмаларидан фойдаланиш тартиби**

Топширилмай қолган почта жўнатмаларини вақ-тинчалик сақлаш қонун ҳужжатларида белгилан-ган тартибда оператор ёки провайдер томони-дан олти ой давомида амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгилан-ган муддат ўтганидан сўнг:

пуллар давлат бюджетига ўтказила-ди;

қимматли қоғозлар фонд биржаси орқали, қим-матбаҳо металллар, бошқа буюмлар савдо тар-моқлари орқали сотилади, тушган маблағлар еса оператор ёки провайдерларнинг ҳаражатлари қопланганидан сўнг давлат бюджетига фойдасига ўтказилади;

ҳужжатлар (паспорт, диплом, шаходатнома, гу-воҳнома ва бошқалар) ким томонидан берилган бўлса, шу қорхона, муассаса ва ташкилотларга топширилади;

хатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ қилиб ташланади.

Олувчисини, жўнатувчисини қидиришнинг ил-ожи бўлмаганда, топширилмай қолган пул маб-лағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси оператори томонидан ўн саккиз ой давомида сақ-ланади, шундан сўнг пул маблағлари маҳаллий бюджет фойдасига ўтказилади.

ши учун оммавий шартнома шартлари асосида очик бўлган почта алоқасининг тури;

**универсал хизматлар** — почта алоқасининг универсал хизматлари, яъни Ўзбекистон Респу-бликаси ҳудудига умумий фойдаланишдаги почта алоқасининг ёзма хат-хабарларни жўнатиш бўй-ича барча фойдаланувчиларга кўрсатилмаган хиз-матлари;

**фойдаланувчи** — почта алоқаси хизматидан фойдаланувчи, яъни почта алоқаси хизматлари-нинг истеймолчиси ҳисобланган юридик ёки жи-смоний шахс;

**франкирлаш машинаси** — ёзма хат-хабарлар-га почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўланганли-гини тасдиқловчи почта тўловининг давлат бел-гиларини, ушбу хат-хабарларни қабул қилиш са-насини ва бошқа маълумотларни туширишга мўлжалланган машина;

**қимматли почта жўнатмалари** — фойдалану-вчи томонидан жўнатиш вақтида жойланма қий-мати эълон қилинган почта жўнатмалари.

**4-модда. Почта алоқаси фаолиятининг асо-сий принциплари**

Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар куйидагилардан иборат:

ҳамма фойдаланувчилар учун очиклиги;  
Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги;  
умумий фойдаланишдаги почта алоқаси фао-лиятини яшироқ этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

ҳар бир шахснинг ёзишмалари ва почта жўнат-малари сир тутилиши ҳуқуқини таъминлаш;  
почта алоқаси соҳасида стандартлар, қоидалар ва нормаларнинг ягоналиги.

**БОШ МАВЗУ: ДЎСТАЛИК**

Дунёда дўстликдан-да қудратлироқ, дўстлик-дан-да улғурок куч йўқ. Шу боис ҳам кўни кеча республика Бадий академиясининг кўргаз-маларида очилган Корея маданияти кўр-ниси ҳам икки халқ ўртаси-даги дўстлик, биродар-лиқни таранум этишга бағишланди. Кўргазма-да 40 дан зиёд корей-ва ўзбек рангташвири усталарининг асарлари намойиш этилди.

асарларида ҳазрати инсон тасвирланса, Чанг Чинваннинг мойбўёқда ишланган «Денгиз соҳи-лида», «Тошдевор», Искра Шиннинг «Замин сирин», «Усган майсалар» асарла-рида эса она табиат, муқаддас замин манзара-лари акс эттирилади, Леонид Каннинг «Шохи-мардон атрофида», «Чимён», Абдували Мўминовнинг «Сўқоқ тоғларида», «Филон қишлоғи» деб номланган расмларида эса жаннат-номанд юртимиз жамоли бутун гўзаллиги билан намойиш бўлади.

Шунингдек, кўргазма-да ҳайкалтарошлик, графика санъати асарла-ри ҳам ўрин олган. — Ўзбекистонда Корея маданияти кўрларининг очилиши ва шу тадбир сабаб корейс-ўзбек расмолари асарлари-нинг кўргазмаси икки халқ ўртасидаги қардош-лик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, — деди анжуманда иштирок этган Корея Республика-сининг фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Чанг Хун. — Ишонимизки, бу биродарлик ва ҳамкорлик ижодкорларимиз фаоли-ятида ҳам ўз аксини топади.

Тадбир корейс санъ-аткорларининг куй-қўшиқларига уланиб кетди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**  
«Жалқ сўзи» мухбири.

**АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ ХУЛОСАСИ**

1999 йилда дунё бўйича 350 тонна кокан мусодара қилинди. Мексиканинг Ака-пулько шаҳрида наркоман-фияга қарши курашга ба-ғишлаб ўтказилмаган халқ-роқ анжумани «Интер-пол»нинг криминал ахбор-отлар бўлими директори Раул Хикен шунини маълум қилди. Унинг айтишича, ўтган йилда 515 тонна ма-рихуана йўқ қилиб ташлан-ган, наркотиклар тайёрлов-чи 75 та махфий лаборатор-ия фойдаланувчиси эди.

Анжуманда 170 дан зиёд мамлакатнинг махсус хиз-мат вакиллари иштирок этишди. Унинг иштирокчи-лари АКШ ва Европа дав-латларида гўёҳанд модда-ларга талаб камаймас экан, наркотибизнесга қарши кураш



**НЕФТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?**

Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) жаҳон бозорига чи-қариладиган қулئك нефть миқдорини 800 минг баррел-га оширишга қарор қилди. Чўнқий айтишларда неф-тнинг нархи охиб кетмок-да. Агар бу чора нефтнинг қимматлашувини тўхтатол-маса, ташкилот ноябр ойда бозорга чиқарилаётган хо-маси миқдорини яна ошири-

**БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ**

кутилмадек самара бермай-ди, деган хулосага келди.

**НЕФТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?**

Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) жаҳон бозорига чи-қариладиган қулئك нефть миқдорини 800 минг баррел-га оширишга қарор қилди. Чўнқий айтишларда неф-тнинг нархи охиб кетмок-да. Агар бу чора нефтнинг қимматлашувини тўхтатол-маса, ташкилот ноябр ойда бозорга чиқарилаётган хо-маси миқдорини яна ошири-

га тайёр. Саудия Арабистони нефть вазири Али ал-Нуай-дий шунини маълум қилди. ОПЕКнинг қарори 1 октябр-дан бошлаб қучга қиради.

**ҚОЧКИНЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ**

Гвинея полицияси Либе-рия ва Сьерра-Леондан кел-ган минглаб қочқинларни ҳибсга олди. Мамлакат през-иденти Лансана Конте яқин-да мамлакатнинг Сьерра-Леоне билан chegaradosхудуди қуролланган жанги-рлар томонидан ўққа тутил-ган учун шундай буйруқ бер-

ди.

**ЭКВАТОРДА ЯНГИЛИК**

Ушбу давлат иқтисодий ҳаётда катта ўзгариш рўй берди. Миллий валюта — сўкре муомаладан чиқари-либ, унинг ўрнини АКШ дол-ларини эгаллади. Мамлакатда долларлаштириш ҳараёни январ ойида бошланган эди. Юзага келган иқтисодий ин-кироз қўллаб қўллаб фуқаролик ташкилотлар ва ҳарбийлар-

нинг норозилигига сабаб бўлди. Оқибатда давлат раҳбари Жамил Мауад исте-тьфо берганди. Унинг ўрнини Густаво Нобoa эгал-лади. Янги президент мам-лакатда АКШ долларини эркин муомалага киритиш бўйича қатор ислохотларни амалга оширди.

**АВТОМОБИЛЛАР ЁНФИНИ**

Испаниянинг Сарагоса вилоятида уч юзга яқин ав-томобил ёниб кетди. Бу воқеа Куарте-де-Уэрва шаҳ-ридаги пулкит автомобиль тўхташ жойида юз берди. Хабарларга қўра, бу ерда жами бир ярим мингга яқин автомобиль бўлган. Ут ўчи-рувчилар ёнғинини бир соат ичида ўчирди. Шу боис, машиналарнинг қулгига ша-баб етмади. Ёнғиннинг се-саби ҳозирча номаълум.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**






ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Қашқадарёда Республика шошилич тиббиёт илмий маркази филиали беморларга хизмат кўрсата бошлади

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш асносида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Яқинда ана шу марказ филиалининг очилиш маросими бўлди. Унда Қашқадарё вилояти ҳокими Б. Ҳамидов, республика Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров қатнашдилар.



45 нафар врач, 76 нафар ҳамшира, айна пайтда, беморларга хизмат

кўрсатишга киришди. Н. РАВШАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири. Суратларни Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРГА

кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, ассистентлар, шунингдек, вакант лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Инглиз тили фонетикаси ва фонологияси кафедраси
1. Кафедра мудир (профессор ёки доцент)
2. Доцентлар-4
3. Катта ўқитувчилар-15
4. Ассистентлар-4
21. Рус тили кафедраси
1. Кафедра мудир (профессор ёки доцент)
2. Доцентлар-5
3. Катта ўқитувчилар-5
4. Ассистентлар-2

Эълон
Республикада аспирантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи Фанлар Академияси, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлири ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда аспирантлар диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Ташкилот Тошкентдаги
омбордан қўйидаги
янги техникани
тақлиф этади
ТРАКТОР
Т-30
(Владимир)
ТРАКТОР
ЛТЗ
(Воронеж)
ТРАКТОР
НТЗ
(Минск)
Тел.: (3712) 54-96-40,
54-96-11, 54-69-13.

(Давоми. Боши 2-бетда).
бошқармасининг бўлими 9 та, «Авиабанк» акциядорлик-торжорат банки 4 та, туманларнинг ёнғиндан сақлаш инспекциялари 1523 та текширувчи шахардаги бу ишларни мувофиқлаштирувчи комиссия руҳсатсиз ўтказган.
Хайриятчи, иккинчи чоракдан бошлаб бундай ўринсиз «текшир-текшир»ларга чек қўйиш мўҳим ҳужжатлар қабул қилинди. «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тadbиркорларнинг жонига аро кирди. Ҳозиргача 4526 та шундай китоб тadbиркорлар қўлида амал қила бошлагани. Афсуски, шундай омил кучга кирганини кўра-билла туриб, милиция ходимлари ва айрим солиқчилар беҳуда суқулиша беради, лекин ҳалиги «китоб»ни олдидларига қўйганимиздан кейин тисарилишга мажбур бўлишди, дейишди тadbиркорлар.
Агар шунда ҳам тинч-чишмаси-ишга тушади. Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармасида кичик ва ўрта тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими, домий равишда ишловчи 162-92-42 рақамли ишонч телефони ташкил қилинди. Тафрибали мутахассислар тadbиркорларнинг қонуний манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланган тақдирда улар баргараф этилишига ёрдам бермоқдалар. Кейинги ойлarda 33 та шундай мурожаат бўлди. Чунки, икки ишлар ходимлар тadbиркор А.Йўлдошевнинг фаолиятига нокруний аралашаётганлиги ҳақидаги хабарларни ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилди, унинг ҳуқуқлари тикланди. Умуман, шаҳар адлия бошқармаси олти ой ичда назорат органларини монкуний хатти-ҳаракатлари устидан 7 та жавобгарга нисбатан моддий ва маънавий зарарларни учдириш ҳақида судларга 5 та даъво аризалари киритди. Чунки, Чилонзор туман ички ишлар бошқармаси хо-

зимлари А.Ёқубов, А.Юнусов, Акмал Икромов туман солиқ инспекцияси ходимлари С.Солиқов, З.Тиллаҳўжаев, Юнусов туман солиқ инспекцияси ходимлари З.Шералиева, М.Маҳамовларга нисбатан шундай даъво аризалари киритилди, тadbиркорлар фойдасига ушбу айбдор шахслардан 899 миң сўм миқдоридagi моддий ва маънавий зарарларни учдириш бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шуниси дуққатта сазовор, бундай суд жараёни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишига алоҳида эътибор қаратила бошланди.
— Ҳозирги пайт-

Ойдинликда
равон йўлга чиқиб олиш нега жумбоқ бўлмоқда?

да тарқатиш учун 19 миң дона текширувларни рўйхатга олиш китоби олиниб, тadbиркорларга етказилиши керак, — дейди адлия бошқармаси бошлиги Йўлчибой Турсунбоев шаҳар мувофиқлаштирувчи комиссиянинг мажлисида.
— Ҳозирча 4526 таси тadbиркорларга тарқатилди. Бизни бир ҳолат тadbиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериш учун тузилган шаҳар палатасининг ушбу режарга амалга оширишдаги ҳаракатининг сустиги ташвишга солмоқда.
Тadbиркорлар фаолияти барқ уриб ривожланиб кетишига тўсиқлар ҳали ҳам оз эмас. Назорат органларининг илгариги кўндан кўп йуриқномалари, қонуни асосида қабул қилинган ҳужжатлари бугунги талабга — кейинги мўҳим фармонлар, қонулар ва ҳукуматнинг сўнгги қарорларига зид бўлиб қолмоқда.
— Бу ҳужжатлар тadbиркорларни шундай ҳолатга солиб қўядики, — дейди «Лохисам» фирмасининг директори Ш. Исмоилов, — унинг жузъий ва билиб-билмай йўл қўйган ҳар бир хатоси дарҳол қаттиқ жа-

